

УДК 338  
Бухоро давлат университети  
мустақил тадқиқотчиси  
**Тухтаев Умиджон Шухратович**

## **ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИНинг ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ**

**Аннотация:** Мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистонда туризм индустриясини ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган ислоҳотлар таҳлил қилинган, бу индустрияning ривожланиш босқичлари аниқланган ва уни такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** туризм, туристик хизматлар, туристик маҳсулотлар, туризм индустрияси, туристик хизматлар бозори, туристик оқим, ички туризм, туристик марказлар, хавсиз туризм.

### **Кириш**

Бугунги кунда жаҳонда туризм жадал суръатларда ривожланиб келаётган тармоқлардан бири бўлиб, аксарият мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, БМТнинг Халқаро туризм ташкилоти (UNWTO) маълумотларига кўра, туристик хизматлар кўрсатиш соҳаси Яқин Шарқда 8,0 фоиз, Осиё ва Тинч океани минтақасида 5 фоиз, Европа ва Африка қитъаларида 4 фоиз, Шимолий ва Жанубий Америкада 2 фоизга ўсган.<sup>1</sup> Ушбу тенденциялар хизматлар кўрсатиш соҳасининг турли салбий ўзгаришларга қарамасдан туризмни барқарор ҳисобланган тармоқ сифатида баҳоланаши учун замин яратмоқда.

### **Тадқиқот мавзусининг долзарблиги**

Ўзбекистонда 2016-2021 йилларда мамлакатимизда туристик хизматлар кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Жумладан, туристик хизматларни сон ва сифат жиҳатдан ривожлантириш, ушбу соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштиришга қаратилган 60 дан ортиқ норматив-хукукий ҳужжатлар қабул қилиниб, амалга оширилган ислоҳотлар натижасида 90 та давлат фуқаролари учун визасиз режим жорий этилди.<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг “туризмни ривожлантириш, соҳага инвестициялар жалб этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича комплекс чоралар кўришимиз лозим. Бизда турзим кўпинча қадимий шаҳарларимиз, тарихий-маданий ёдгорликлар доирасида чекланиб қолмоқда. Ваҳоланки, мамлакатимизнинг бетакрор табиати, миллий қўриқхоналар, тоғли худудларда туризмни ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд. Айниқса, тиббиёт туризми, зиёрат туризми ва экотуризмни ривожлантириш нафакат иқтисодиёт, балки ижтимоий соҳалар ривожига ҳам катта турткি беради. 2019-2025 йилларда Туризмни ривожлантириш миллий концепциясини ишлаб чиқиш ва шу асосда 2025 йилда юртимизга ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар сонини 7 млн. нафарга, туризм экспортидан келадиган йиллик даромадни эса 2 млрд. АҚШ долл.га етказиш лозим”<sup>3</sup> деб айтган фикрлари, кейинги йилларда туризм соҳасини ривожлантириш давлат ижтимоий-иктисодий сиёсатининг устувор йўналишлари қаторидан чуқур ўрин эгаллаганлигидан далолат беради.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда туризм индустриясининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларини аниқлаш ҳамда унинг рақобатбардошлигини ошириш

<sup>1</sup>Туризмни ривожлантириш амалиёти ва амалдаги тамойиллар. 18.03.2020 й.  
<https://strategy.uz/index.php?news=874>

<sup>2</sup>Мажидов X. Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш: 2016-2020 йилларга умумий шарх.  
<https://review.uz/oz/post/razvitiye-turizma-v-uzbekistane-obzor-turotrasli-za-2016-2020-gg>

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018 й. <http://www.xabar.uz/siyosat/prezident-shavkat-mirziyoyevning-oliy-majlisga-murojaatnomasi>

йўлларини таҳлил қилиш асосида уни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот усуслари.** Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, қиёсий ва селектив танлаб тадқиқ қилиш, монографик таҳлил ва гурухлаш каби усуслар қўлланилган.

### Илмий муаммонинг қўйилиши

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар Е.В. Голишева, Н.С. Ибрагимов, Б.Ш. Сафаров, Т.Т. Ташмуротов, Д.К. Усманова, О.М. Хамидов<sup>1</sup> ва бошқаларнинг илмий изланишларида мамлакатимиз туристик хизматлари бозорининг ривожланишига хос бўлган хусусиятлар, бозор иқтисодиёти шароитида туристик хизматларни ташкил этиш йўналишлари, туристик фаолият юритувчи корхона ва ташкилотларнинг бошқаруви амалиётини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар амалга оширилган. Шу билан бирга, мамлакатимизда туризм индустрисининг шаклланиши ва унинг ривожланиш босқичларига бағищланган назарий ва амалий масалалар тизимлаштирилмаган ва комплекс ҳолда, маҳсус тадқиқот объекти сифатида тадқиқ этилмаган.

### Асосий натижалар

Мустақилликнинг ilk йилларида мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришнинг институционал асосларини ташкил этиш билан бир қаторда, туризм инфратизилмасини шакллантириш, мазкур соҳани юқори малакали кадрлар билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга устуворлик қаратилди. Таҳлилларнинг кўрсатишича, мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришнинг биринчи босқичи 1992-1995 йилларни ўз ичига олади.

Хусусан, мамлакатимизда туризмни ривожлантиришнинг институционал асосларини шакллантириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 20 ноябрдаги “Ўзбектуризм” Миллий компнайяси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 484-сон Карорининг<sup>2</sup> қабул қилинган вақтдан бошланди. Мазкур Қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 27 июлдаги “Ўзбектуризм” Миллий компнайясини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-447-сон Фармони<sup>3</sup> ижросини таъминлашга қаратилган бўлиб, мамлакатимизга ташриф буюрувчи хорижий делегациялар, жумладан, хорижий туристларга республика худудида вактингачалик яшаш ва транспорт хизматлари кўрсатиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган ҳисобланади. Шунингдек, “Ўзбектуризм” фаолиятининг вазифалари ва устувор йўналишлари сифатида қўйидагилар ажратиб кўрсатилди:

- туризм соҳасида республиканинг ягона сиёсатини амалга ошириш;
- туризмнинг хўжалик тармоқлари мажмууни ривожлантириш;
- туризмнинг барча турларини ривожлантириш учун хуқукий, иқтисодий ва ташкилий асосларни ҳамда шарт-шароитларни вужудга келтириш;
- туристик марказларидан оқилона фойдаланиш, хорижий сармояларни жалб этиш йўли билан замонавий туристик комплексларни барпо этиш;
- экскурсиялар учун тарихий меъморчилик иншоатларини таъмирлаш;

<sup>1</sup>Голишева Е.В. Совершенствование организации и механизма регулирования развития туризма в рыночных условиях. Дисс. ... канд. экон. наук. – Ташкент, 2012. – 156 с.; Ибрагимов Н.С. Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантиришда дестинацион менежмент концепциясини қўллаш. И.ф.н. дисс. – Бухоро, 2006. – 183 б.; Сафаров Б.Ш. Миллий туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик асослари. – Т.: Фан ва технология, 2016. – 184 б.; Ташмуротов Т.Т. Халқаро туризм. – Т.: Турон – Иқбол, 2007. – 320 б.; Усманова Д.К. Особенности формирования туристского продукта и перспективные направления его развития. Дисс. ... канд. экон. наук. – Самарканд: СамИСИ, 2009. – 157 с.; Хамидов О.М. Выбор Конкурентной стратегии предприятия на рынке туристических услуг Узбекистана. . Дисс. ... канд. экон. наук. – Самарканд: СамИСИ, 2006. – 155 с

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 20 октябрдаги “Ўзбектуризм” Миллий компнайяси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги ПҚ-484-сон Қарори, <https://lex.uz/docs/514856>

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 27 июлдаги “Ўзбектуризм” Миллий Компнайясини ташкил қилиш тўғрисида”ги ПФ-447-сон Фармони, <https://lex.uz/docs/223878>

- йирик ажнабий фирмалар ва компаниялар билан бирга қўшма туристик хизматлар ва корхоналарни ташкил этиш;
- жаҳон бозорида талаб қилинаётган янги туристик маршрутлар ва хизматлар турларини татбиқ қилиш;
- туризм тармоқлари учун кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;
- Ўзбекистон худудида иш юритувчи барча мулкчилик шаклидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга туризм соҳасида шуғулланиш хукуқини берадиган сертификатларни топшириш ҳамда улар фаолиятини назорат қилиш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;
- ўзининг ишлаб чиқариш ва тижорат тузилмасини ташкил қилиш;
- чет эллардаги ўз ваколатхоналари ва бюоролари орқали республиканинг туризм соҳасидаги ғоят катта имкониятларини реклама қилиш.<sup>1</sup>

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 июндаги “Буюк ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикаси иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро уризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-1162-сон Фармони<sup>2</sup>нинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1995 йил 3 июня “Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфраструктурасини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 210-сон<sup>3</sup> Қарор қабул қилинди. Мазкур Қарорларнинг қабул қилиниши натижасида мамлакатимизнинг туризм соҳасида замонавий инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширила бошланди. Хусусан, Буюк ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистоннинг иштирокини кенгайтиришда ушбу йўналишда жойлашган республика худудлари Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкентда халқаро туризмни ривожлантириш имконини берувчи маҳсус туристик зоналарни ташкил этишга эътибор қаратилди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Урганч шаҳарлари худудида жойлашган аэропортлар, темир йўл вокзаллари, жумладан, чегаралардаги темир йўл бекатларида туристларга хизмат кўрсатишга ихтинослашган маҳсус божхона зоналари фаолияти йўлга қўйилди. Шу билан бир қаторда, Вазирлар Маҳкамаси хузурида туризмни ривожлантириш бўйича Идоралараро кенгаш фаолияти ташкил этилиб, мазкур кенгаш зиммасига қўйидаги вазифлар юклатилди:

- туризм соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш;
- жаҳон андозалари даражасида кичик ва ўрта меҳмонхоналар, мотеллар ва кемпинглар тармоғи шакллантирилишини мувофиқлаштириш;
- сайд-томушалар замонавий индустрясини, маданий ва спорт-соғломлаштириш марказларини барпо этишга кўмаклашиш;
- ноёб туризм имкониятлари ва тарихий-маданий мерос кенг кўламда тарғиб қилиниши ва сақланишини ташкил этиш;
- сайд-хизмат тизимида мувофиқлаштирилган илмий-техникавий ва инвестиция сиёсатини ўтказиш;
- сайд-хизмат соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни таъминлаш.<sup>4</sup>

Мамлакатимизда туризм соҳасининг хукукий-институционал жиҳатдан ривожланишининг кейинги босқичи 1996-1999 йилларни ўз ичига олиб, мазкур босқичда мамлакатда туристлар оқимини тартибга солиш, уларни мамлакат худудига келиб

<sup>1</sup>Ўша манба

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 июндаги “Буюк ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикаси иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро уризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-1162-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/182051>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 3 июня “Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфраструктурасини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 210-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/428924>

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 июндаги “Буюк ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикаси иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро уризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-1162-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/182051>

кетишилари, транзит ўтишларини ташкил этиш, турстик хизматлардан фойдаланиш бўйича истеъмолчилаштиришни замонавий амалиётига ўтилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги “Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишилари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида”ги 408-сон Қарорида мамлакатимизга туристларнинг келиб кетишига оид қуйидаги ҳолатларнинг хукукий-норматив асослари ишлаб чиқилди:

- Ўзбекистон Республикасига келиш ва республика ҳудудидан кетиши визаларини расмийлаштириш тартиби белгиланди;
- мамлакат ҳудудига келиш ва ундан кетиши хукуқидаги чекловлар ўрнатилди;
- хорижий мамлакатларга кетиши хукуки рад этилганлиги устидан шикоят қилиш тартиб-қоидалари ишлаб чиқилди;
- хорижий фуқаролар автотранспорт воситаларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш, чет эллик фуқароларнинг мамлакат ҳудудида ҳаракатланиши ва уларни мамлакат ҳудудидан муддатдан илгари чиқариб юбориш тартиб-қоидалари белгиланди;
- хорижий мамлакатлар фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мамлакат ҳудуди орқали транзит ўтиши бўйича хукукий-норматив меъёрлар ишлаб чиқилди.<sup>1</sup>

1998 йилга келиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Сайёхлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этишини такомиллаштириш тўғрисида”ги 346-сон Қарорининг қабул қилиниши мамлакатимизда туризм хизматларини кўрсатиш соҳасида кески ўзгаришларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Жумладан, туризм хизматларини ташкил этиши ва ривожлантириш йўналишларини такомиллаштиришда бозор иқтисодиёти механизmlарини татбиқ этишга эътибор ортиб, туристик хизматлар кўрсатишда кичик ва ўрта туризм хизматларини кўрсатиш бўйича хўжалик фаолиятини юритувчи иқтисодий субъектларнинг иштироки кенгайтирилиб, соҳага хорижий инвесторларни жалб этишга устуворлик қаратилди. Шунингдек, Хусусий сайёхлик ташкилотлари уюшмаси фаолияти йўлга қўйилиб, унинг фаолият юритиш йўналишлари сифатида қуйидагилар белгилаб берилди:

- Буюк ипак йўлини тиклашда, республикада туризмнинг замонавий инфратузилмасини ривожлантиришда фаол қатнашиш;
- Уюшма аъзолари бўлган хусусий сайёхлик ташкилотларига кўмаклашиш ва улар фаолиятини мувофиқлаштириш;
- туризм соҳасида маркетинг тадқиқотлари ўтказиш;
- хусусий сайёхлик ташкилотларини ривожлантиришга хорижий инвестицияларни ва мамлакатимиз юридик ва жисмоний шахсларининг маблағларини жалб қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасида, шунингдек давлат органларида ва жамоат ташкилотларида Уюшма аъзолари бўлган хусусий сайёхлик ташкилотларининг манфаатларини ифодалаш;
- Уюшма аъзоларига ахборот, маслаҳат ва услубий ёрдам кўрсатиш;
- сайёхлик бизнеси соҳасида ходимларнинг касб тайёргарлигига ва уларни қайта тайёрлашга шу жумладан, туристик фаолият субъектлари ходимлари учун туристлар хавфсизлигини таъминлаш, уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, хукукни муҳофаза қилиш ва бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш масалалари бўйича қисқа муддатли ўкув курсларини даврий ташкил этишга кўмаклашиш ва х.к.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги “Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишилари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида”ги 408-сон Қарори.. <https://lex.uz/docs/512233>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 августдаги “Сайёхлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этишини такомиллаштириш тўғрисида”ги 346-сон Қарори, <https://lex.uz/docs/838278>

Шунингдек, ушбу босқичда хукуматнинг тегишли қарорлари асосида қуйидаги вазифаларни ҳал этишга устуворлик қаратилди:<sup>1</sup>

- Ўзбекистон ҳалқлари маданий меросининг сақланишини таъминлаш;
- маданий бойликларнинг қонунга хилоф равишда олиб чиқилиши ва олиб кирилишидан муҳофаза қилиш учун шарт-шароитлар яратиш;
- ҳалқаро маданий ҳамкорликни ривожлантириш;
- мамлакат ҳудудига маданий бойликларнинг олиб кирилиши ва уларнинг олиб чиқилиши тартибининг хуқуқий-меъёрий асосларини такомиллаштириш;
- туризм соҳасини юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжларини ўрганган ҳолда, туристик хизматлар соҳасида замон талаблари даражасида мутахассис кадрлар тайёрлаш орқали мамлакат туризм иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва уни янада ошириш.

Мамлакатимизда турзм соҳасининг хуқуқий-институционал асослари ривожланишининг учинчи босқичи 2000-2005 йилларни ўз ичига олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 15 апрелдаги “2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-2286-сон Фармони доирасида амалга оширилди<sup>2</sup>. Мазкур босқич мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришда миллатлараро алоқаларни кенгайтириш, мамлакатимизнинг ҳалқаро туризм бозорига интеграциялашуви, Ўзбекистоннинг маданий-тарихий ва маънавий меросини жаҳон ҳамжамиятида тарғиб қилиш билан бир қаторда, мамлакатимизга келаётган туристлар учун қўрсатилаётган туристик хизматларнинг сифатини тубдан такомиллаштириш босқичи бўлди. Шунингдек, ушбу босқичда қуйидаги чора-тадбирларга устуворлик қаратилди:

- ҳалқаро туризмни ривожлантиришда меҳмонхона бизнесини тубдан такомиллаштириш;<sup>3</sup>
- мамлакатда туристик хизматлар қўрсатувчи кичик бизнес субъектлари фаолиятини тартибга солиши тизимини такомиллаштириш ва уларнинг туризм бозоридаги иштироқини кенгайтириш;<sup>4</sup>
- Ўзбектуризм миллий компанияси фаолиятини ислоҳ этиш ва уни тубдан такомиллаштириш;<sup>5</sup>
- туризм соҳасини ривожлантиришга оид ҳалқаро шартномаларни тасдиқлашнинг меъёрий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш<sup>6</sup> ва х.к.

Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожланишининг тўртинчи босқичи 2006-2015 йилларни ўз ичига олиб, ушбу босқичда мамлакатимизда туристик хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг миқдор ва сифат қўрсаткичларини такомиллаштириш, қўрсатилаётган туристик хизматларни жаҳон стандартлари асосида ишлаб чиқиш ва исъмолчиларга етказиш усусларини амалиётта татбик этиш, республика, жумладан унинг ҳудудлари кесимида

<sup>1</sup> Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 23 мартағаги “Ўзбекистон Республикасида маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва кирилиши масалаларини тартибга солиши тўғрисида”ги 131-сон Қарори, <https://lex.uz/docs/279299>; Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 июлдаги “Ўзбекистонда туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 324-сон Қарори <https://lex.uz/docs/594014> маълумотлари асосида келтирилди.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 15 апрелдаги “2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-2286-сон Фармони, й. <https://lex.uz/docs/213701>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 2 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида меҳмонхона бизнеси ва ҳалқаро туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 310-сон Қарори, <https://lex.uz/docs/563971>

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги “Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 439-сон Қарори, <https://lex.uz/docs/246538>

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 июлдаги “Ўзбектуризм” миллий компанияси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 360-сон Қарори, <https://lex.uz/docs/344658>

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги “Ҳалқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида”ги 491-сон Қарори, <https://lex.uz/docs/866186>

туризм соҳасини ривожлантириш салоҳиятидан фойдаланишга қаратилган чора-тадбирларга устуворлик қаратилди. Мазкур босқичда республика ва унинг ҳудудлари кесимида туризмни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурлари ишлаб чиқилиб, улар қаторига қуидагиларни киритиш мумкин:

- Тошкент<sup>1</sup>, Хоразм<sup>2</sup>, Қашқадарё<sup>3</sup> ва Сирдарё<sup>4</sup> вилоятларида туризм солоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилди;

- республика ҳудудларида туристик жиҳатдан тарихий-маданий аҳамиятга молик бўлган моддий маданий мерос объектларини ва уларга туташ ҳудудларни сақлаш соҳасига ва уларнинг зарур ҳолатда бўлишини кўллаб-куватлашга инвестициялар ва бюджетдан ташқари молиялаштириш ҳажми ортиб бориши учун шарт-шароитлар яратиш, ушбу объектлардан маданий-ўрганиш ва туризм мақсадларида кенгроқ ва самарали фойдаланишни таъминлаш, шу асосда ўзаро боғлиқ инфратузилма ва хизматлар соҳаси объектлари сонини кўпайтириш, қўшимча иш ўринлари<sup>НИ</sup> яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва барча даражалардаги бюджетларни кўпайтириш каби чора-тадбирлар амалга оширилди;<sup>5</sup>

- туризм соҳаси инфратузилмаси, жумладан йўл ва йўлбўйи ҳудудларини ривожлантириш орқали туристик хизматлар сифати яхшиланди;<sup>6</sup>

- мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришнинг ҳукуқий-институционал асослари такомиллаштирилди.<sup>7</sup>

2016 йилдан 2020 йилга, аникроғи пандемия бошлангунга қадар бўлган муддатда мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришнинг бешинчи босқичи баҳоланиб (2-иловага қаранг), ушбу босқичда туризм соҳасини ривожлантиришни жаҳон стандартларига ўтказиш орқали мамлакатимизнинг халқаро туристик хизматлар бозорига интеграциялашуви жараёнларини чуқурлаштириш босқичи ҳисобланади. Шунингдек, ушбу босқичда қабул қилинган тегишли меъёрий хужжатлар асосида мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида туризмни жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳукуқий шарт-шароитлар яратиш, ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, туризм тармоғини бошқаришни тубдан такомиллаштириш, миллий туризм маҳсулотларини яратиш ва уларни жаҳон бозорларида тарғибот қилиш, туризм соҳасида Ўзбекистоннинг ижобий қиёфасини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар тизими изчил амалга оширилиб келинмоқда. Ўрта муддатли истиқболда мамлакатимизда туризмни ривожлантириш бўйича устувор йўналишлар сифатида қуидагилар белгилаб олинган:

- туризмни ривожлантиришнинг яхлит концепциясини шакллантириш ва изчил амалга ошириш, туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини бериш, ушбу соҳанинг барча ҳудудларини ва ўзаро боғлиқ тармоқларини комплекс равища жадал

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 сентябрдаги “2013-2015 йилларда Тошкент вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 259-сон Қарори, <https://lex.uz/docs/2239481>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 сентябрдаги “Хоразм вилоятида туристик инфратузилманинг қўшимча объектларини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 261-сон Қарори, <https://lex.uz/docs/2241069>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 1 ноябрдаги “2013-2015 йилларда Қашқадарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 294-сон Қарори, <https://lex.uz/docs/2261926>

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 августдаги “2015-2017 йилларда Сирдарё вилоятининг саноат салоҳиятини янада ривожлантириш, замонавий хизмат кўрсатиш ва экотуризм объектларини барпо этиш дастури тўғрисида”ги 233-сон Қарори <https://lex.uz/docs/2718287>

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 марта “Моддий маданий мерос объектларини ва уларга туташ ҳудудларни, уларни ободонлаштириш ва зарур ҳолатда сақлаш бўйича инвестиция мажбуриятлари олган ҳолда ижарага бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 53-сон Қарори <https://lex.uz/docs/2352891>

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 9 марта “Йўл бўйи ва туризм инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 51-сон Қарори.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 марта “Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантиришнинг айrim масалалари тўғрисида”ги 53-сон Қарори.

ривожлантиришнинг етакчи кучига айланиши лозим бўлган иқтисодиётни диверсификациялаш, таркибий ўзгартириш ва барқарор ривожланишнинг қурдатли воситасига айлантириш, яратиладиган ялпи ички маҳсулотда, маҳаллий бюджет даромадларида туризмнинг улушкини кўпайтириш;

- туризм индустряси субъектлари фаолияти учун қулай шарт-шароитларни шакллантиришга йўналтирилган туризм фаолияти соҳасидаги қонун хужжатларини ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, туризмнинг ривожланишидаги барча тўсиқ ва ғовларга барҳам бериш, виза ва рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларини, паспорт ва божхона назоратини соддалаштириш, туризм соҳасини давлат томонидан бошқариш ва бозорга хос тарзда тартибга солиш механизмини мақбуллаштириш, туризм соҳасида тадбиркорлик фаоллигини рафбатлантириш;

- туризм фаолияти соҳасида халқаро ҳамкорликни, биринчи навбатда, БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO), хорижий мамлакатларнинг туризм бўйича нуфузли халқаро ва миллий ташкилотлари – туризм хизматлари минтақавий ва жаҳон бозорларининг фаол иштирокчилари билан ҳамкорликни кенгайтириш, Ўзбекистоннинг туризм соҳасида тартибга солувчи универсал халқаро конвенциялар ва битимлардаги иштироки, туризм фаолияти амалиётига халқаро ва давлатлараро стандартлар ва нормаларни жорий этиш;

- республиканинг барча минтақаларида замонавий жаҳон стандартларига, туристларнинг эҳтиёjlари ва талабларига жавоб берадиган туризм индустряси обьектларини – меҳмонхоналарни ва жойлаштиришнинг шу каби воситаларини, умумий овқатланиш обьектларини, транспорт-логистика тузилмаларини, ахборот марказларини, маданият ва спорт муассасаларини жадал ривожлантириш, асосий туризм йўналишлари бўйича йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини, йўлбўйи инфратузилмасини жадал қуриш ва реконструкция қилиш, ушбу мақсадлар учун хорижий инвесторларни кенг жалб этиш;

- халқаро туризмнинг ривожланиш тенденцияларини ва замонавий маркетинг воситалари қўлланилишини ҳисобга олган ҳолда, рақобатбардош туризм маҳсулотлари ва хизматларини ишлаб чиқариш, уларни ички ва халқаро туризм бозорларида тарғибот қилиш бўйича стратегияни ишлаб чиқиш, қулай туризм ахборот муҳитини ташкил этиш ва ривожлантириш, кенг реклама-ахборот фаолиятини амалга ошириш, мамлакат ҳудудларида туризм ахборот марказлари ва чет элда туризм ваколатхоналарини очиш, интернет тармоғидан фаол фойдаланиш, ҳар йили Тошкент халқаро туризм ярмаркасини ўтказиш йўли билан туризм соҳасида мамлакатимизнинг ижобий қиёфасини шакллантириш ва х.к.<sup>1</sup>

Ушбу босқичнинг яна бир муҳим жиҳати Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолияти йўлга кўйилганлиги ва унинг низоми тасдиqlanganligidadir<sup>2</sup>. Шунингдек, мазкур босқичда мамлакатимизда туризм соҳасининг ривожланишини тартибга солиб турувчи ягона меъёрий-ҳуқуқий асос, яъни, Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Конуни<sup>3</sup> ишлаб чиқилди. Конунда мамлакатимиз туризм соҳасига тегишли бўлган барча ижтимоий-иктисодий муносабатларни тартибга солишнинг замонавий механизми ўз аксини топган.

2020 йилнинг иккичи ярим йиллигидан бошлаб жаҳонда, жумладан, мамлакатимизда жорий этилган “Лок-доун”нинг босқичма-босқич бекор қилиниши қатъий карантин чора-тадбирларини аста секинлик билан юмшатишга олиб келди (1-жадвалга қаранг). Бу эса 2021 йилдан мамлакатимизда туристик хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4861-сон Фармони, <https://lex.uz/docs/3077025>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2666-сонли Қарори. <https://lex.uz/docs/3077301>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 июльдаги “Туризм тўғрисида”ги ЎРҚ-549-сон Конуни, <https://lex.uz/docs/-4428097>

кейинги олтинчи босқичини бошлаш имконини берди. Ушбу босқичда «Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED (Ўзбекистон. Хавфсиз саёҳат кафолатланган)» тизими жорий этилди<sup>1</sup>. Шунингдек, ушбу босқичда мамлакатимизда туризм фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди<sup>2</sup>.

### 1-жадвал

#### Ўзбекистонда туризм индустряси ривожланиш босқичларининг хуқуқий-институционал асослари<sup>3</sup>

Ривожланиш босқичлари	Қабул қилинган меъёрий хужжатлар
I босқич (1992-1995 йй)	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 27 июлдаги ПФ-447-сонли Фармони <sup>4</sup>
	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 июндаги ПФ-1162-сон Фармони <sup>5</sup>
	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 20 ноябрдаги “Ўзбектуризм” Миллий компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 484-сон қарори <sup>6</sup>
	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 3 июндаги “Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфраструктурасини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 210-сон Қарори <sup>7</sup>
II босқич (1996-1999 йй)	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги “Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида”ги 408-сон Қарори
	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 августдаги “Сайёхлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этишини такомиллаштириш тўғрисида”ги 346-сон Қарори <sup>8</sup>
	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 23 марта “Ўзбекистон Республикасида маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва кирилиши масалаларини тартибга солиш тўғрисида”ги 131-сон Қарори <sup>9</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 июндаги “Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган холда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4755-сонли Қарори. <https://lex.uz/docs/4862987>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 433-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4930291>

<sup>3</sup> Муаллиф томонидан тузилган

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 27 июлдаги “Ўзбектуризм” Миллий Компаниясини ташкил қилиш тўғрисида”ги ПФ-447-сон Фармони, <https://lex.uz/docs/223878>

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 июндаги “Буюк ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикаси иштирокини авж олдириш ва Республикада халқаро уризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-1162-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/182051>

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 20 октябрдаги . “Ўзбектуризм” Миллий компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 484-сон қарори, <https://lex.uz/docs/514856>

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 3 июндаги “Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфраструктурасини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 210-сон қарори. <https://lex.uz/docs/428924>

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 августдаги “Сайёхлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этишини такомиллаштириш тўғрисида”ги 346-сон Қарори, <https://lex.uz/docs/838278>

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 23 марта “Ўзбекистон Республикасида маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва кирилиши масалаларини тартибга солиш тўғрисида”ги 131-сон Қарори, <https://lex.uz/docs/279299>

	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 июлдаги “Ўзбекистонда туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 324-сон Қарори <sup>1</sup>
III босқич (2000-2005 йй)	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 15 апрелдаги “2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-2286-сон Фармони <sup>2</sup>
	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 2 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида меҳмонхона бизнеси ва халқаро туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 310-сон Қарори <sup>3</sup>
	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги “Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 439-сон Қарори <sup>4</sup>
	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 июлдаги “Ўзбектуризм” миллий компанияси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 360-сон Қарори <sup>5</sup>
	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги “Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида”ги 491-сон Қарори <sup>6</sup>
	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 сентябрдаги “2013-2015 йилларда Тошкент вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 259-сон Қарори <sup>7</sup>
IV босқич (2006-2015 йй)	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 сентябрдаги “Хоразм вилоятида туристик инфратузилманинг қўшимча обьектларини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 261-сон Қарори <sup>8</sup>
	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 1 ноябрдаги “2013-2015 йилларда Қашқадарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 294-сон Қарори <sup>9</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 июлдаги “Ўзбекистонда туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 324-сон Қарори, <https://lex.uz/docs/594014>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 15 апрелдаги “2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-2286-сонли Фармони,<https://lex.uz/docs/21370>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 2 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида меҳмонхона бизнеси ва халқаро туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 310-сон Қарори, <https://lex.uz/docs/563971>

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги “Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 439-сон Қарори, <https://lex.uz/docs/246538>

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 июлдаги “Ўзбектуризм” миллий компанияси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 360-сон Қарори, <https://lex.uz/docs/344658>

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги “Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида”ги 491-сон Қарори <https://lex.uz/docs/866186>

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 сентябрдаги “2013-2015 йилларда Тошкент вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 259-сон Қарори, <https://lex.uz/docs/2239481>

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 сентябрдаги “Хоразм вилоятида туристик инфратузилманинг қўшимча обьектларини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 261-сон Қарори, <https://lex.uz/docs/2241069>

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 1 ноябрдаги “2013-2015 йилларда Қашқадарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 294-сон Қарори, <https://lex.uz/docs/2261926>

	<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 мартағи “Моддий маданий мерос объектларини ва уларга туташ худудларни, уларни ободонлаштириш ва зарур ҳолатда сақлаш бўйича инвестиция мажбуриятлари олган ҳолда ижарага бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 53-сон Қарори<sup>1</sup>.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 9 мартағи “Йўл бўйи ва туризм инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 51-сон Қарори<sup>2</sup></p> <p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 мартағи “Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантиришнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 53-сон Қарори<sup>3</sup></p> <p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 августдаги “2015-2017 йилларда Сирдарё вилоятининг саноат салоҳиятини янада ривожлантириш, замонавий хизмат кўрсатиш ва экотуризм объектларини барпо этиш дастури тўғрисида”ги 233-сон Қарори<sup>4</sup></p>
V боскич (2016-2020 йй – Пандемиягача бўлган давр)	<p>Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 июлдаги “Туризм тўғрисида”ги ЎРҚ-549-сон Қонуни<sup>5</sup></p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4861-сон Фармони<sup>6</sup></p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2666-сонли Қарори<sup>7</sup></p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 июндаги “Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4755-сонли Қарори<sup>8</sup></p>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 мартағи “Моддий маданий мерос объектларини ва уларга туташ худудларни, уларни ободонлаштириш ва зарур ҳолатда сақлаш бўйича инвестиция мажбуриятлари олган ҳолда ижарага бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 53-сон Қарори <https://lex.uz/docs/2352891>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 9 мартағи “Йўл бўйи ва туризм инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 51-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/2591263>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 мартағи “Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантиришнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 53-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/2591903>

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 августдаги “2015-2017 йилларда Сирдарё вилоятининг саноат салоҳиятини янада ривожлантириш, замонавий хизмат кўрсатиш ва экотуризм объектларини барпо этиш дастури тўғрисида”ги 233-сон Қарори <https://lex.uz/docs/2718287>

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 июлдаги “Туризм тўғрисида”ги ЎРҚ-549 сонли Қонуни, <https://lex.uz/docs/-4428097>

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4861-сон Фармони, <https://lex.uz/docs/3077025>

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2666-сонли Қарори <https://lex.uz/docs/3077301>

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 июндаги “Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4755-сонли Қарори. <https://lex.uz/docs/4862987>

VI босқич (2021 йилдан хозирги кунга кадар)	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6165-сонли Фармони <sup>1</sup>
	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги “Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-5054-сонли Фармони <sup>2</sup>
	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Таракқиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони <sup>3</sup>
	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 433-сон қарори <sup>4</sup>

Жумладан, мамлакатимизда туризм бозорининг турли сегментларига йўналтирилган туризм маҳсулоти ва хизматларини диверсификация қилиш, уларнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, мақбул ва қулай ички ва халқаро зиёрат туризми муҳитини яратиш, транспорт йўналишларини кенгайтириш, транспорт хизматлари сифатини ошириш, туризм маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш, шунингдек, мамлакатимизнинг саёҳат ва дам олиш учун хавфсиз манзил сифатидаги имижини мустаҳкамлашга қаратилган ислоҳотларга устуворлик қаратилмоқда<sup>5</sup>. Ушбу босқичнинг яна бир муҳим жиҳатларидан бири бу Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятининг йўлга қўйилишидир<sup>6</sup>.

Шунингдек, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Таракқиёт стратегиясида ҳам ички ва ташқи туризмни ривожлантириш вазифаси белгиланган. Жумладан, “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг” дастури доирасида махаллий сайёҳлар сонини 12 млн.дан, хорижий туристлар сонини эса 9 млн. нафарга етказиши, жумладан, туризм, транспорт, ахборот-коммуникация, дастурий таъминот ва шу каби бошқа хизматлар экспорти ҳажмини 1,7 баробарга ошириш устувор вазифа сифатида белгиланган.<sup>7</sup>

### Хулоса ва таклифлар

Амалга оширилган тадқиқотларимиз натижаларига асосланган ҳолда, Ўзбекистонда туризм индустряси ривожланишининг олти босқичи ажратиб ўтилиб, уларнинг хуқуқий-институционал асослари 1-жадвалда келтириб ўтилди. Мамлакатимизда туристик хизматлар бозорини ривожлантиришининг ҳозирги босқичида қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишга устуворлик қаратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6165-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/5283956>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги “Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-5054-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/5356603>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Таракқиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 433-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4930291>

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6165-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/5283956>

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги “Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-5054-сонли Фармони <https://lex.uz/docs/5356603>

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Таракқиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>

- туристик хизматлар кўрсатиш соҳасини инновацион усулда ривожлантиришга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга оширишни кенгайтириш ва уларнинг амалиётга тадбиқ этилишини таъминлаш;
- туристик хизматлар соҳасини ривожлантиришда илғор хорижий технологиялардан фойдаланишни рағбатлантириш;
- туризм соҳасини ривожлантиришда бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида ишлаб чиқилган давлат хусусий шериклик механизмидан фойдаланиш;
- туризм инфратузилмасини модернизациялаш орқали туристик маҳсулот ва хизматлар сифатини такомиллаштириш;
- инновацион туристик маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқаришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;
- мамлакат иқтисодиётида туризм соҳасининг ўрнини мустаҳкамлаш ва ушбу соҳанинг ЯИМ ҳажмидаги улушкини ошириш;

Фикримизча, юқорида келтирилган таклифлар асосида кейинги йилларда туризм соҳасини ривожлантириш узоқ муддатли истиқоболда мамлакат туризм индустрясининг барқарор ривожланишига эришиш имконини беради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 27 июндаги “Ўзбектуризм” Миллий Компаниясини ташкил қилиш тўғрисида”ги ПФ-447-сон Фармони, <https://lex.uz/docs/223878>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.06.1995 йил 02 июндаги “Буюк ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикаси иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро уризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-1162-сон Фармони, <https://lex.uz/docs/182051>
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 20 октябрдаги “Ўзбектуризм” Миллий компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 484-сон Қарори, <https://lex.uz/docs/514856>
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 03 июндаги “Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфраструктурасини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 210-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/428924>
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 08 августдаги “Сайёхлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида”ги 346-сон Қарори, <https://lex.uz/docs/838278>
6. Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 23 марта даги “Ўзбекистон Республикасида маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва кирилиши масалаларини тартибга солиш тўғрисида”ги 131-сон Қарори, <https://lex.uz/docs/279299>
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 02 июлдаги “Ўзбекистонда туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 324-сон Қарори, <https://lex.uz/docs/594014>
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 02 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида меҳмонхона бизнеси ва халқаро туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 310-сон Қарори, <https://lex.uz/docs/563971>
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги “Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 439-сон Қарори, <https://lex.uz/docs/246538>
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 июлдаги “Ўзбектуризм” миллий компанияси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 360-сон Қарори, <https://lex.uz/docs/344658>
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги “Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида”ги 491-сон Қарори, <https://lex.uz/docs/866186>

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 сентябрдаги “2013-2015 йилларда Тошкент вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 259-сон Қарори, <https://lex.uz/docs/2239481>

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 сентябрдаги “Хоразм вилоятида туристик инфратузилманинг қўшимча объектларини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 261-сон Қарори, <https://lex.uz/docs/2241069>

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 01 ноябрдаги “2013-2015 йилларда Қашқадарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 294-сон Қарори, <https://lex.uz/docs/2261926>

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 06 мартағи “Моддий маданий мерос объектларини ва уларга туташ худудларни, уларни ободонлаштириш ва зарур ҳолатда сақлаш бўйича инвестиция мажбуриятлари олган ҳолда ижарага бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 53-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/2352891>

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 09 мартағи “Йўл бўйи ва туризм инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 51-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/2591263>

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 мартағи “Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантиришнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 53-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/2591903>

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 07.08.2015 йил 07 августдаги “2015-2017 йилларда Сирдарё вилоятининг саноат салоҳиятини янада ривожлантириш, замонавий хизмат кўрсатиш ва экотуризм объектларини барпо этиш дастури тўғрисида”ги 233-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/2718287>

19. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 июлдаги “Туризм тўғрисида”ги ЎРҚ-549 сонли Қонуни, <https://lex.uz/docs/-4428097>

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 02 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4861-сон Фармони, 02.12.2016 й. <https://lex.uz/docs/3077025>

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 02 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2666-сонли Қарори. <https://lex.uz/docs/3077301>

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 июндаги “Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4755-сонли Қарори. <https://lex.uz/docs/4862987>

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 09 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6165-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/5283956>

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 06 апрелдаги “Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-5054-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/5356603>

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Таракқиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>

26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун кулай шартшароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 433-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/4930291>